

# "Қалбга яқин сатрлар" кўрик-танлови ташкил этилди

// 29.03.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/qalbga-yaqin-satrlar-kurik-tanlovi-tashkil-etildi>



Кунни-кеча "Кимёгарлар" маданият саройида жамият ишчи-ходимларининг ижодий истеъдодларини ошириш ҳамда юзага чиқариш мақсадида "Қалбга яқин сатрлар" номли қўшиқчилик кўрик-танлови ташкил этилди.



Тадбирда корхонанинг 9 нафар ходимлари ва ёшлари иштирок этишди ва яқунда:

1-ўринни Марказлаштирилган электр ускуналарини таъмирлаш цехи ходимлари - Д.Матчанов ҳамда Г.Шерматова;

2-ўринни Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ходими - Ж.Жумабаев;

3-ўринни 1-Тозалаш цехи ходимлари - Д.Бахтиярова ва Ш.Юлдашева дуети эгаллади.





Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**“Максам-Чирчиқ” Матбуот хизмати**